

ФРАНЦУЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА КОРРЕФЕРЕНТ ГАПЛАРНИНГ СТРУКТУРАЛ-СЕМАНТИК ВА ФУНКЦИОНАЛ ЖИХАТЛАРИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11002174>

Анарбоева Иродахон Ориповна

Анджон давлат чет тиллари институти

Аннотация

Мазкур мақолада француз ва ўзбек тилларида корреферент гапларнинг структурал-семантик ва функционал жихатларининг ўзига хос хусусиятлари тадқиқи тўғрисида сўз боради

Калит сўзлар

контекст, изчиллик, парадигматик муносабат, синтагматик муносабат, такрорий номинация....

Аннотация

Данная статья посвящена изучению особенностей структурно-семантического и функционального аспектов корреферентных предложений во французском и узбекском языках.

Ключевые слова

контекст, связность, парадигматическое отношение, синтагматическое отношение, повторная номинация....

Abstract

This article deals with the study of specific features of structural-semantic and functional aspects of correferent sentences in French and Uzbek languages.

Key words

context, coherence, paradigmatic relation, syntagmatic relation, repeated nomination....

Нутқ контекстининг турли ўринларидан жой олган иш-ҳаракатни биринчи бор номловчи, шунингдек, қайта, такрорий номловчи тил белгилари фарқланади. Биринчи номловчи ва такрор номловчи ўртасидаги узвий алоқа умумий семантема уйғунлигига эга бўлган номинаторлар синтагматик боғланишининг алоҳида кўринишини шакллантиради.

Нутқда ҳар икки номловчи атамалар ўртасидаги синтагматик боғланиш мазмунини улар ўртасида пайдо бўладиган бир умумий маъно ўхшашлиги ташкил этади. Яъни, семантик тузилишдаги бирламчи номинация кейинги каторларда такрор номловчи сифатида қайта номланиб мазмуний тизимдан жой олади. Чунки у биринчи атамани ифодада алмаштириб келади. Муайян талкинда биринчи номловчи номинатив манба, асосга айланади ҳамда тасвирланувчи хусусиятини касб этади. Ўз навбатида такрорий номловчи эса номинатив манбани, асосни нутқ оқимида тасвирловчи воситага айланади ва ифода меъёри талаблари таъсирида хилма-хил кўриниш касб этган ҳолда ифода воситалари вариативлигини яратади. Вариативлик нуктаи назаридан нутқ синтагмасида ифодага кирувчи тил бирликлари нутқ вазиятида алоҳида ахборот қимматини касб этувчи тугал гаплар кўринишини шакллантиришда иштирок этади.

De temps en temps, quelqu'un baillait; un autre presque aussitôt l'imitait, et chacun, à tour de rôle, suivant son caractère, son savoir-vivre et sa position sociale, ouvrait la bouche avec fracas ou modestement en portant vite sa main devant le trou béant d'où sortait une vapeur. (Maupassant. Boule de Suif. p. 34)

Ушбу мисолдаги икки тугал мустақил гап таркибидан жой олган "bailler" ва "imiter" феъллари умумий "эснамоқ" маъноси асосида алоҳида синтагмада ўзаро боғланадилар. Икки тугал мустақил гап ўзаро муносабати доирасида маъно ўхшашлигига кўра бир-бири билан бирикаётган "bailler" ва "imiter" феъллари синтагматик боғланишнинг икки номинатор ўртасидаги сегментини ҳосил қилади. Ўз навбатида боғланишнинг синтагматик сегменти икки тугал мустақил гаплар ўзаро бирикувини, занжирли боғланишини таъмин этишда иштирок этаётган етакчи омиллардан биридир.

Синтагмада "bailler" биринчи ном, "imiter"-такрорий ном.

Мазкур нутқий вазиятда "bailler" биринчи номинатив манба, асос ҳисобланади ва изоҳли луғат таърифига кўра унинг семантик таркибидан жой олган куйидаги маъно таркибий бўлаклари "bailler, ouvrir la bouche pour aspirer, puis expirer l'air en contractant les muscles de la face" умумлашган ҳолда ўз аксини тасвирловчи "imiter" номловчи семантик структурасида топади. Муайян ҳолатда "imiter" таянч манба ҳисобланмиш "bailler" феъли эвазигагина "эснамоқ" маъносини касб этади. Мабодо таянч манба ўзгаргудек бўлса, такрор номловчи вазифасидаги "imiter" маъносининг нутқ вазиятида ўзгариши ва таянч маънога мослашуви табиий ҳол. Ушбу сўзнинг луғавий изоҳи шундан далолат беради: "Imiter, en bonne

ou mauvaise part, exprime une ressemblance plus ou moins rapprochant". "Imiter" феъленинг мазкур нутқий вазиятдаги муҳим аломати "bailler" феълени функционал жиҳатдан нутқда алмаштириб кела олиш хусусиятидир.

Нутқий вазиятда ана шундай муҳим имкониятга қодир бошқа бир феъл ифодасига назар ташлайлик:

Mais deux hommes se ronnurent, un troi sieme les aborda, ils causerent: "J'emmene ma femme, dit l'un. - J'en fais autant. - Et moi aussi". (Maupassant. Boule de Suif, p.29)

Ушбу мисолда "emmener sa femme" биринчи номловчи сифатида такрорий номловчи "en faire autant" билан умумий маъно ўхшашлигига кўра ягона синтагматик қаторда жойлашиб ўзаро боғланмоқда. "En faire autant" "emmener sa femme" феъл бирикмасини функционал жиҳатдан алмаштириб келмоқда, чунки улар муайян нутқ вазиятида умумий маъно ўхшашлиги асосида ("хотинини олиб кетмоқ") синонимик хусусият касб этмоқда. Демак, "emmener sa femme" феъл бирикмасининг маъно қисмлари "Emmener, mener hors du lieu on l'on est vors un antre lien indetermine" семантик умумлашмаси "faire" семантикасида қайта гавдаланади. Гарчи "faire" феъли таърифи "Faire: agir, etre en action independamment de tout effet" ушбу сўзнинг анча кенг, мавҳумлашган семантик қамровга эга эканлигидан далолат берса-да, муайян нутқий вазиятда конкрет феъл (emmener) семантик белгиларини ўзида мужассамаштирган ва уни алмаштириб келмоқда. Бир сўз билан айтганда, мазкур нутқий вазиятда "J'emmene ma femme"га нисбатан "J'en fais autant" функционал алмаштирувчи ҳисобланади.

Синтагматик боғланиш доирасида қайта номловчи вазифасида келаётган синонимлар биринчи номловчилар билан идеографик мослашув асосида алоқага киришади:

"Ils entrerent dans un petit cafe et burent ensemble une absinthe; puis ils se mirent a se promener sur les trottoirs. Morissot s'arreta soudain: "Une seconde verte, hein?" M. sauvage y consentit: "A votre disposition". Et ils penetrerent chez un autre marchand de vins. (Maupassant. Deux amis. p.141)

Ушбу мисолда "entrer", "penetrer" феъллари идеографик мослашув асосида ўзаро боғланган. Бу ўринда "entrer" биринчи номловчи, "penetrer" эса такрор номловчи ҳисобланади. "Penetrer" феъли мазкур нутқий вазиятда қайта номловчи вазифасида эканидан "Et ... chez un autre marchand de vins" нутқ белгилари далолат бериб туради. Нутқда ягона синтагматик боғланишга кўчган entrer, penetrer сўзлари идеографик синонимлар

жуфтлигини яратади, чунки уларнинг семантик структурасида ўзаро тўла ўхшашлик мавжуд. Масалан:

1. *Entrer: Passer du dehors au dedans. Entrer se dit dans tous les cas au prop et au fig: Entrer dans une maison, dans le port, dans une carriere.*

2. *Penetrer: entrer fort avant dans un lieu on dans une chose. Pour moi qui penetre dans le seeret de mon Coeur.*

Сигнификатив кўламда *entrer*, *penetrer* синонимик қаторини *s'engager dans*, *enfiler*, *s'enfiler*, *s'enfoncer*, *s'engouffer*, *s'introduire*, *s'infiltrer*, *filtrer*, *se filtrer*, *impregner*, *pereer*, *fenetre* ва бошқалар тўлдириши мумкин.

Синонимик муносабатларга асосланган биринчи ва такрор номловчиларнинг синтагматик боғланишида идеографик мослашув билан бир қаторда эмоционал-экспрессив мослашув ҳам кузатилади.

Ушбу туркумдаги сўзларнинг синтагматик боғланишида эмоционал-экспрессив, эмоционал-баҳоловчи сўзлар кўпроқ иштирок этади.

Ушбу сўзларга хос эмоционал бўёқлар, баҳолаш кўрсаткичлари, субъектив муносабатлар айнан ўша сўзларнинг семантик структурасида ўз аксини топади:

Vous pensez bien qu'un homme qui avait deniche maintes fois des aiglons dans nos rochers ne s'embarrassait quere de descendre dans la rue d'une fenetre haute de moins de trente pieds; mais je ne voulais pas m'echapper. J'avais encore mon honneur de soldat, et deserter me semblait un grand crime. (Merimee. Carmen, p. 512)

Юқоридаги мисолда "*s'echapper*" ва "*deserter*" феллари ягона синтагмада боғланган номловчилар сифатида ўзаро алоқага киришади. Бу ўринда "*s'echapper*" биринчи номловчи, "*deserte*" эса такрор номловчи вазифасини ўтайди. Ҳар икки сўз ҳам муайян нутқий вазиятда "қонунга хилоф равишда хизмат жойини тарк этиш", "қочиш" маъносига эга. Ҳар икки сўз таркибида ҳам баҳолаш категориясининг салбий белги иштирок этади. Айнан шу белгининг нутқий вазиятдаги иштирокига кўра номловчилар ўртасида эмоционал-экспрессив мослашув вужудга келади ҳамда атамаларнинг синтагмадаги ўзаро боғланиши учун хизмат қилади.

Юқорида келтирилган мисол таркибидан жой олган "*mon honneur de soldat*", "*un grand crime*" сўз бирикмалари нутқий вазиятда "*s'echapper*" ва "*deserter*" сўзларининг эмоционал-баҳоловчи семантизациясига таъсир этувчи таянч омиллар ҳисобланади. Нутқий вазиятда юқоридаги ҳар икки сўз лексик маъноси, сўзловчи дунё қарашидаги тасаввур ва субъект муносабати билан шундай чатишиб кетадики, бу ҳолат уларнинг эмоционал-экспрессив таъсирини орттиради.

Мураккаб номларни таҳлил қилишда, аксарият тадқиқотчилар анъанавий равишда уларни лексик номинациясининг перифериясига муружаат қилади ва улар экспрессив стилистик жиҳатдан нейтрал эканлигини таъкидлайди⁵². Бунда номинатив бирлик объектни номлашда экспрессивлик жиҳатдан эмас, фақат, семантик концептуал компонент сифатида номлайди.

Мустақил тугал гапларнинг нутқда вектор сўзлар ёрдамида ўзаро боғланиши нутқ изчиллиги доирасида яхлит мураккаб жумлаларнинг шаклланишига, ифода воситаларининг коммуникатив уйғунлашувига олиб келади. Бошқача қилиб айтганда вектор сўзлар ҳам такрорий номинация вазифасида гапларни ўзаро боғловчи занжир восита бўлиб хизмат қилади.

Турли нутқий вазиятларда иш-ҳаракатнинг биринчи номловчиси сифатида ифодада иштирок этаётган феъл ёки феъл мажмуасини функционал жиҳатдан алмаштириб келиш жараёнида такрор номловчи вазифасида маъно ҳажми семантик жиҳатдан кенг, умумлашган атамалар, номинаторлар иштирок этиши кузатилади. Биринчи ва такрор номловчи ўртасидаги боғланиш, айни ҳолатда, номинаторларнинг семантик умумлашувига асосланган ўхшашлик заминида содир бўлади. Биринчи ва такрор номловчи вазифасидаги номинаторлар бир-биридан маъно ҳажмига кўра ўзаро фарқ қилади. Биринчи номловчилар конкрет маъно ҳажми билан характерланса, такрор номловчилар кенг, умумлашган, абстракт маъно ҳажми билан ажралиб туради. Синтагматик боғланишда конкрет ва абстракт маъно ҳажмига эга номинатив белгилар ўзаро муносабатга киришади. Нутқий вазиятларда такрор номловчилар маъно жиҳатидан мавҳумлашгани туфайли, биринчи номловчига тўла тобе ҳолда ахборот ҳақидаги тасаввур яхлитлигига эга бўлади. Нутқда биринчи номловчи иштирокисиз сўз нима ҳақида бораётганини тўла англаб етиш мушкулдир. Чунки такрор номловчилар иш-ҳаракатнинг умумий кўринишининг акс эттиришга қодир, холос. Масалан,

On ne pouvait manger les provisions de cette fille sans lui parler. Donc on cause, avec reserve d'abord, puis, comme elle se tenait fort bien, on s'abandonna davantage (Maupassant. Boule de Suif. p. 37).

Жумладан, ушбу мисолдаги "s'abandonner davantage" феъл ва равиш бирикмаси "causer" феъли ҳисобигагина маъно жиҳатидан равшанлик касб

⁵² Вяничева, Т.В. Субстантив-субстантивная синлексика современного русского языка: дис. ... канд. филол. наук / Т.В. Вяничева. —Томск, 2000. —С.18.

этади ҳамда сўз нима ҳақида бораётганлиги тўғрисида умумий тасаввур уйғотади.

ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Вяничева, Т.В. Субстантив-субстантивная синлексика современного русского языка: дис. ... канд. филол. наук / Т.В. Вяничева. —Томск, 2000. —С.18.
2. Гак В.Г. Языковые преобразования. – М.: Школа “Языки русской культуры”, 1998. – С. 279
3. Гак В.Г. К типологии лингвистических номинаций // Языковая номинация (Общие вопросы). – М.: 1977. – С.293
4. Anorboyeva Iroda Oripovna. The repeated nomination as a unit of consistency category. <https://journals.researchparks.org/index.php/IJOT/article/view/1459>
5. Mirzayeva Vazira Murodovna. The problem of the position of the adjective-epitet in French. <https://journalofresearch.us/2023-3-4-issue-of-the-journal/>
6. Oripovna, A. I. (2023). SPECIFIC CHARACTERISTICS OF REPEATED NOMINATIONS IN SYNTAGMATIC RELATIONSHIPS. JOURNAL OF LANGUAGE AND LIGUISTICS, 6(4), 74-78.
7. Oripovna, A. I. (2023). ABOUT THE TRANSLATION OF" DARLING" BY THE GREAT FRENCH WRITER GI DE MOPASSAN. JOURNAL OF LANGUAGE AND LINGUISTICS, 6(4), 219-222.
8. Mamasoliyevna, X. F. (2023). LA VIE ET L'IMMIGRATION. THEORY AND ANALYTICAL ASPECTS OF RECENT RESEARCH, 2(19), 18-22.